

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ
Кузатув кенгашининг
2024 йил “29” апрелдаги
6/24 - сон йиғилиш баёнига
15 - илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти
кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

“КИРИТИЛДИ”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ
Ижроия органи

Тошкент-2024-йил

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Қўмита таркиби, уни тузиш ва ваколатларини тугатиш
- III. Қўмитанинг вазифалари
- IV. Қўмита ишини ташкил этиш ва мажлисини ўтказиш
- V. Қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- VI. Қўмита аъзоларининг жавобгарлиги
- VII. Якуний қоидалар

I. Умумий қоидалар

1. ““Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит қўмитаси тўғрисида Низом” (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон ва “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ-193-сон Фармонларига, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясига, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти Кузатув Кузатув кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) тўғрисидаги Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Кенгаш ҳузуридаги Аудит қўмитасининг (кейинги ўринларда - Қўмита) мақоми, таркиби, вазифалари, ишлаш тартиби, Кенгашнинг бошқа бошқариш органлари билан ўзаро муносабатини, шунингдек аъзоларининг ҳуқуқи, мажбурияти ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аудит қўмита - Кенгаш аъзоларидан иборат бўлган, қоида тариқасида, камида бир нафар мустақил аъзони ўз ичига оладиган қўмита;

ички аудит хизмати - Жамиятда ички аудит фаолиятини амалга оширувчи мустақил ва ўз функциялари жиҳатидан Кенгашга бўйсунувчи таркибий бўлинма;

ички аудит фаолияти - Жамиятда молиявий, самарадорлик, мувофиқлик, ахборот технологиялари аудитини ўтказиш асосида ички назорат тизимини яхшилаш ва ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, белгиланган вазифаларни сифатли бажарилишига кўмаклашиш ҳамда риск-тахлилини амалга ошириш орқали маблағлардан самарасиз ва ноқонуний фойдаланишни олдини олишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берувчи мустақил фаолият.

3. Қўмитанинг асосий вазифаси - ваколат доирасида масалаларни чуқур ўрганиш ҳамда улар бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Кенгашнинг назоратига доир вазифаларини бажаришида унга кўмаклашиш ҳисобланади.

Қўмита Кенгаш қарорларининг ижроси, Жамият мақсади ва вазифаларининг бажарилиш жараёнини таҳлил қилади, Жамият фаолиятига оид мунтазам ҳисоботлар ва ўз тавсияларини Кузатув кенгашга кўриб чиқиш учун тақдим этади.

4. Қўмита бевосита Кенгашга бўйсунди.

5. Кенгаш Қўмитага юклатилган вазифалар ва мажбуриятларнинг ижросини доимий равишда назорат қилиб боради ва бунинг учун етарли вақт ажратади ҳамда Қўмитани тажрибали аъзолар билан бутлайди.

6. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Жамият Низоми ва Кенгаш қарорлари, мазкур Низом ва бошқа ички норматив ҳужжатларига амал қилади.

II. Қўмита таркиби, уни тузиш ва ваколатларини тугатиш

7. Қўмита таркиби Кенгашнинг учтадан кам бўлмаган бироқ, тоқ сонли аъзоларидан иборат бўлади ва Кенгаш қарори билан ташкил топади.

Қўмитанинг кўпчилик аъзолари Жамиятга алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кенгашдаги аъзолиги мустасно. Қўмитага молиявий таҳлил ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида билимларга эга бўлган Кенгашнинг мустақил аъзоси раҳбарлик қилади.

8. Қўмита аъзоси бўлган Кенгаш аъзосининг Кенгаш аъзолигидан чиқарилиши, унинг Қўмитадаги аъзолигининг тугатилишига олиб келади.

Кенгаш қарорига кўра Қўмита аъзосининг ваколати қуйидаги ҳолларда тугатилади:

Қўмита аъзосининг ўз ҳоҳишига кўра. Бунда, Қўмита аъзоси камида 1 (бир) ой олдин бу тўғрисида Кенгашни ёзма равишда хабардор қилади.

Кенгаш қарорига кўра, агар Қўмита аъзосининг ваколати тугатилса, Кенгашнинг навбатдаги йиғилишида Қўмитанинг янги аъзоси сайланади. Қўмитанинг янги аъзоси сайлангунча, Қўмита ўз фаолиятини жорий таркибда юритади.

9. Қўмитага раҳбарлик қилиш ва фаолиятини ташкил этиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади. Қўмита раисининг вақтинчалик йўқлигида раис вазифасини бажариб туриш аъзолардан бирига юклатилиши мумкин.

Қўмита аъзолари ўртасидаги функциялар тақсимланиши Қўмитанинг раиси томонидан амалга оширилади.

III. Қўмитанинг вазифалари

10. Қўмитанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) ички аудитнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш учун Кенгашга киритиш,

- б) тақдим этилган молиявий ва бошқа ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини назорат қилиш;
- в) ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан Кенгаш йиғилишларига маълумот тайёрлаш ва Кенгашга ҳисобот тақдим этиш;
- г) ички ва ташқи аудиторлар билан Жамиятнинг ўзаро алоқасини назорат қилиб бориш;
- д) Ички аудит хизмати раҳбарини тайинлаш (лавозимидан озод қилиш) масаласини кўриб чиқиб, Кенгашга таклиф киритиш;
- е) Ички аудит хизматининг чорақлик ҳисоботларини ўрганиб чиқиш ва Кенгашга тақдим этиш;
- ё) Жамиятнинг ички аудит хизмати фаолияти самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш учун уларни баҳолаш, ички аудит текширувлари режаси ва текширувларнинг даврийлигини кўриб чиқиш, Ички аудит хизмати раҳбари ўз вазифалари ва мажбуриятларини қай даражада амалга ошираётганлигини баҳолашда иштирок этиш ва ўз фикрини билдириш;
- ж) ҳар чорақда камида бир марта Ички аудит хизмати раҳбари билан учрашув ўтказиб, Ички аудит хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилиш;
- з) ташқи аудитор таклифларини баҳолашда Кенгашга амалий ёрдам бериш, ташқи аудиторни танлашда Кенгашга тавсиялар тайёрлаш;
- и) ташқи аудиторнинг хизматига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузилиши (бекор қилиниши) тўғрисида Кенгашга таклифлар киритиш;
- й) ташқи аудитор учун техник вазифаларни ишлаб чиқишда Кенгашга амалий ёрдам бериш;
- к) ташқи ва ички аудит ҳисоботларида ҳамда бошқа назоратни амалга оширувчи таркибий тузилмалар томонидан ўтказилган молиявий назорат натижалари бўйича аниқланган молиявий қонунбузилиш ҳолатлари Жамият директори томонидан ўз вақтида бартараф этилишини назорат қилиш;
- л) ташқи аудитор ҳисоботи ва хулосаларини кўриб чиқиш ва у бўйича Кенгашга ҳисобот бериш;
- м) ташқи аудитор фаолияти қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда, уни ўзгартириш юзасидан Кенгашга тавсиялар бериш;
- н) Жамият фаолиятининг шаффофлиги ва маълумотларнинг ошкор қилиниши етарли даражада ва аниқ эканлигини кўриб чиқиш;
- о) ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрлаш;
- п) Кенгаш томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.
- р) Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- с) Ички аудит хизматининг бюджетини тасдиқлаш;

т) молиявий ҳисобот, шу жумладан, консолидациялашган ҳисоботнинг бухгалтерия стандартлари ва ҳисоб сиёсатига мувофиқлигини таҳлил ва назорат қилиш.

IV. Қўмита ишини ташкил этиш ва мажлисини ўтказиш

11. Қўмита раиси Қўмита ишини ташкил этади, шу жумладан:

- а) Қўмитанинг йиллик иш режасини тасдиқлайди;
- б) Қўмита мажлисини чақиради ва унга раислик қилади;
- в) Қўмита мажлисининг кун тартибини белгилайди;
- г) Қўмита қарорлари ижросини назорат қилади;
- д) Қўмита иш фаолияти натижалари бўйича Кенгашга ахборот беради;
- е) Қўмита ваколатлари доирасида бошқа функцияларни бажаради.

12. Ички аудит хизмати Қўмитанинг ишчи органи сифатида Қўмита мажлиси кун тартибидаги масалалар бўйича ҳужжатларни тўплайди (йиғади) ва уларни Қўмита мажлисига киритади, Қўмита мажлислари баённомаларини рўйхатдан ўтказади ва сақлайди.

13. Қўмита мажлиси Қўмитанинг йиллик иш режаси бўйича, бироқ бир чоракда камида бир марта ўтказилади.

14. Қўмита мажлисида қарор, мажлисда ҳозир бўлган Қўмита аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Қўмита раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Қўмита мажлисида унинг аъзоларининг энг камида 2/3 қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда Қўмита раиси иштирок этиши шарт.

Қўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Қўмита аъзосининг овоз бериш ҳуқуқини Қўмитанинг бошқа аъзосига ўтказиш тақиқланади.

15. Қўмита мажлисида баённома юритилади ва унда қуйидагилар қайд этилади:

- а) Қўмита мажлиси ўтказилган сана;
- б) мажлисда ҳозир бўлган Қўмита аъзоларининг шахсий таркиби;
- в) Қўмита мажлисига таклиф этилган шахслар;
- г) Қўмита мажлиси кун тартиби бўйича муҳокама қилинган масалалар;
- д) Қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар.

16. Аудит қўмитаси ўз йиғилишларини кузатув Кенгаш мажлисларидан олдин ўтказади.

17. Қўмита мажлисининг баённомаси бир нусхада расмийлаштирилиб, мажлисда раислик қилган ва иштирок этган Қўмита аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ички аудит хизматида сақланади.

18. Қўмита баённомалари Ички аудит хизмати томонидан варақлари рақамланган, ип билан тикилган, Аудит қўмитаси раиси ва котиби имзолари билан тасдиқланган махсус журналда рўйхатдан ўтказилади.

V. Қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19. Қўмита аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйишлари лозим.

20. Қўмита аъзоларининг ҳуқуқлари:

а) Жамият директори, таркибий тузилмаларидан зарур бўлган барча ҳужжат, маълумот ва материалларни олиш (сўралган ҳужжат, маълумот ва материаллар уч банк иш куни ичида Қўмитанинг ишчи органи - Ички аудит хизматиға тақдим этилиши лозим);

б) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Жамият Низоми ва Жамият ички норматив ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

21. Қўмита аъзоларининг мажбуриятлари:

а) ички аудитға оид барча ҳужжатлар ва материалларни синчиклаб ўрганиш ва натижаларини Қўмита мажлиси ва Кенгаш йиғилиши муҳокамасига ўз вақтида киритиш;

б) Жамият фаолияти ички сирини сақлаш, ўз функцияларини бажариш учун фойдаланишға берилган ва сир сақланадиган маълумотларни ошкор қилмасликка амал қилиш.

VI. Қўмита аъзоларининг жавобгарлиги

22. Қўмита раиси Қўмита мажлиси ўтказилишини ташкил этиш учун жавоб беради.

23. Қўмита аъзоси сир тутиладиган маълумотларни ошкор этганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсан жавоб беради.

VII. Якуний қоидалар

24. Мазкур Низом Кенгаш томонидан тасдиқланади ва у тасдиқланган кундан эътиборан кучға киради.

25. Ушбу Низомға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Кенгаш қарори билан амалға оширилади.